

**Марказий банкнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлар
ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисида мурожаатларни кўриб чиқиш
натижалари ҳақидаги ҳисоботи**

Марказий банк бошқарувининг 2022 йил 24 сентябрдаги 21/8-сонли қарори билан “Марказий банк тизимида алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти” тасдиқланган.


Шунингдек, Марказий банк тизими ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган **4 та алоқа каналлари** (*расмий веб-сайт, электрон почта, телеграмм бот, ишонч телефони*) ишга туширилган.

Марказий банк тизими ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ҳақида келиб тушган мурожаатлар “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун ҳамда Марказий банкнинг Коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Шу билан бирга, Марказий банк бошқарувининг 2023 йил 25 мартдаги 8/13-сонли қарори билан “Марказий банк тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган ходимларни рағбатлантириш ҳамда уларнинг таъқиб қилинмаслиги кафолатлари тўғрисида”ги Тартиб тасдиқланган.

Ҳисобот даврида Марказий банк тизими ходимларидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабарлар келиб тушмаган.

Комплаенс-назорат ва ички
аудит департаменти директори



Д.Холмуродов